



ТОШКЕНТ

Ҳақсеввар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1995 йил 15 ноябрь, чоршанба • № 90 (10.766)

Эркин нархда сотилади

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

11 ноябрь куни Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто расмий амалий таширфи билан мамлакатимизда бўлди.

Покистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бош вазири Беназир Бхутто хонимга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Покистон Ислон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат махфиялари янграганидан сўнг Ислам Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қорувли сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Ислам Каримов ва Беназир Бхутто ўзаро қисқа мулоқотда бўлдилар. Мамлакатимиз Президентининг олий мартабали меҳмони Ўзбекистон заминига таширфи билан кутлади.

Ислам Каримов ва Беназир Бхутто маҳаллий ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашдилар, уларнинг бўлажак музокаралар мавзуси ҳақидаги саволларига жавоб қайтардилар. — Урашувимиздан асосий мақсад — минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, қўшни Афғонистонда давом этаётган биродарқўшлик урушни тўхтатиш ва Афғонистонни тинч, барқарор ўлкага айланишига қўмақлаштириш, шу билан бирга, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги коммуникация ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги масалаларни муҳокама этишдир», — деди мамлакатимиз раҳбари.

Беназир Бхутто Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи, минтақа ҳавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ўрни алоҳида эканини қайд этиб, қўшни

Афғонистондаги нотинч вазиятни барқарорлаштириш масаласида Ўзбекистон билан Покистоннинг қарашлари муштарак эканини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг саройида Беназир Бхутто ва Ислам Каримовнинг учрашуви бўлди. Унда минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Маълумки, Президент Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати билан ўтказилган Бош Ассамблеянинг тантанали йиғилишида нутқ сўзлаб, Афғонистонда давом этаётган уруш нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё ҳавфсизлигига таҳдид солиб турганини таъкидлаган, бу ердаги кескинликнинг олдини олиш учун, даставвал, ташқи кучлар аралашувини бартараф этиш ҳамда бу мамлакатга қурол олиб киришни таъқиқлаш ҳақида таклиф

айтган эди. Покистон Ислон Республикаси ҳукумати раҳбарининг мамлакатимизга мазкур расмий амалий таширфини Президент Ислам Каримовнинг ана шу долзарб нутқи акс-садоси дея баҳолаш мумкин. Афғонистон ва Тожикистондаги можадоларни тинч йўл билан ҳал этишдан бутун Марказий Осиё республикалари, шунингдек Покистон ҳам манфаатдордир. Чунки, «Қўшнинг тинч — сен тинч» деб бежиз айтилмаган. қолверса, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши минтақадаги ҳавфсизликни таъминлаш билан бирга қўшни давлатларнинг ўзаро иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Шу маънода, Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга мазкур таширфи катта аҳамият касб этди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон билан Покистон ўртасида иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу куни Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистон Республикасига расмий амалий таширфи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди.

Аэропортда Покистон Ислон Республикаси ҳукумати раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Фуломов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиш маросимида Покистон Ислон Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетада ва Мухтор элчиси Шафкат Али Шайх ҳозир бўлди.

Шухрат УМИРОВ.
(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов ГФР Федерал Президенти Роман Герцогнинг таклифига биноан Германияга расмий таширфи билан жўнаб кетди.

— Мазкур сафардан мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уни янги босқичга кўтаришдир, — деди мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан аэропортда:

«Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Президент Ислам Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазири И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ҲОКИМЛАР ТАЙИНЛАНДИ

ПИСКЕНТ

Шу йилнинг 11 ноябрь куни Пискент тумани фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев нутқ сўзлади. Фаоллар йиғилишида сўнгги йилларда Пискент туманида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қўлқўлликка йўл қўйилганлиги, жойларда ташкилотчилик ишлари талаблар даражасида олиб борилаётганлиги, бунинг оқибатида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пайсаяиб кетаётганлиги таъкидланди.

Айниқса, туман кишлоқ ҳўжалиги тармоғида бу яқол сезилмоқда. Сурункасига бир неча йилдан буён пахтачилик

соҳасида йиллик режалар бажарилмапти. Чорвачилик ҳам орқага кетмоқда. Туман ҳокимлиги жойларда янги иш жойларини очиш билан боғлиқ муаммоларни етарлича ҳал этмаётир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш тарзини яхшилаш борасида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд.

Шу муносабат билан фаоллар йиғилишида ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокимининг фармойишига кўра туман ҳокими бўлиб ишлаб келган А. ШЕРМАТОВ ўз вазифасидан озод этилди. Илгари вилоят прокурорининг муовини бўлиб ишлаб келган Жўрабой Дехқонбоевич МИРАЛИМОВ туман ҳокими этиб тайинланди.

Жўрабой Дехқонбоевич Миралимов 1954 йилда туғилган. 1976 йили Тошкент давлат университетининг юридик факультетини таъмомлаган. Иختисослиги ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини у 1976 йилда Чирчиқ шаҳар прокуратурасида бошлади. 1977-1980 йиллар мобайнида Олмалик шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, 1980-1983

йилларда эса Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори, 1983-1985 йилларда Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, кейин Паркент тумани, Ангрэн шаҳар прокурори лавозимларида ишлади.

1994 йилдан бошлаб Тошкент вилоят прокурорининг ўринбосари лавозиминида фаолият кўрсатди.

БҲКА

Шу йилнинг 13 ноябрь куни Бўка тумани фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фаоллар йиғилишида ташкилий масала кўрилди. Б.М. МАХСИТОВ бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Илгари Ўзбекистон Республикасининг

Олий Мажлисининг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлиқни ривожлантириш кўмитаси котиби бўлиб ишлаб келган Карим Раҳимович ОБИДОВ туман ҳокими этиб тайинланди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев сўзга чиқди.

Карим Раҳимович Обидов 1955 йилда туғилган. Олий маълумотли. Тошкент политехника институтини 1975 йилда тугатган. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты.

Меҳнат фаолиятини 1978 йили давлат кишлоқ ҳўжалиги техникаси кўмитасининг Бўка тумани бўлими назоратчи муҳандис-устаси сифатида бошлаган. Шу жойда бошқарувчи ўринбосари, бош муҳандис, 1991 йилдан бошлаб эса Бўка тумани таъмин-

лаш ва таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори лавозимларида ишлади. 1993-1995 йиллар мобайнида у «Ўз-туркаккумаш» қўша корхонаси Бўка бўлимига раҳбарлик қилди.

1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлиқни ривожлантириш кўмитаси котиби сифатида фаолият кўрсатди.

КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

12 ноябрь куни Ўзбекистон Кишлоқ ҳўжалик вазирлигида кузги-қишқи тадбирлар — ерни шудгорлаш, бошоқли дон экинлари парвариши, шол ирими билан боғлиқ масалаларга бағишланган сўнг орқаи кенгаш бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоят ва туманлар ҳокимлари, кишлоқ ҳўжалик ташкилотлари, молия-иқтисод, маъмурий органлар раҳбарлари иштирок этди.

Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди. Кишлоқ ҳўжалик йили самарали якунланмоқда. Ўтган йилга нисбатан пахта, галла етиштириш анча кўпайди. Агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларида ҳам бирмунча ўсишга эришилди. Бу асосан ўтган йилги кузги-қишқи тадбирларнинг вақтида бажарилиши самараси дейиш мумкин. Аммо, дастлабки таҳлиллар шундан дарак бермоқдаки айрим жойларда ташкилотчиликнинг сустлиги, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда раҳбарларнинг эътиборсизлиги, ички имкониятлардан тўла фойдаланмаслик ҳоллари кўзга ташланди.

Олдимизда турган муҳим вазифа келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишдан иборат. Энг муҳими, ўтган йилда йўл қўйилган хато-камчиликларни такрорламасликдир. Яратилажак ҳосил тақдирини ҳар биримизнинг ташкилотчилигимизга боғлиқ. Бунинг учун ерларни вақтида шудгорлаш, шўр ювиш, маҳаллий ва минерал ўғитларни далага чиқаришни жадаллаштириш зарур.

Илик-иссик кунларнинг қадрига етмоқ лозим. Бу-хоро, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжаликларида шудгорлаш ишлари эндигина 10-20 фоиз бажарилганини қандай баҳолаш керак, деди И. Жўрабеков. Тошкент, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида бу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил этади, холос. Фосфорли, калийли ва маҳаллий ўғитлар солиб шудгор қилма-

ган деҳқон юқори ҳосилдан умид қилмасин. Бунинг мўл ҳосил усталари яхши билишади. Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида 30-35 минг гектар ер ҳайдалган бўлса, шундан атиги 8-10 минг гектарига минерал ўғитлар солинган. Республикаимизда минерал ўғит захиралари етарли. Аммо, негандир уни далага чиқариш пайсалга солинган.

Ернинг шўрини ювишда катта-катта майдонларда чек олишга барҳам бериш лозим. Бу ҳол сувнинг исроф бўлишига, шўрнинг меъёрида ювилмаслигига олиб келади. Кузги галлани суғориш ва шўр ювишда суғориш тежаб-тергаб сарфлаш керак. Республикаимизнинг суғориладиган ва лалми ерларида бошоқли дон экинни ниҳоясига етди. Фарона водийсида кузги галла юз фоиз униб чиқди. Лекин, айрим вилоят ва туман ҳўжаликларида уруғ текисланмаган майдонларга экилди.

Чорва озукиси экинлари майдонлари қисқараётган бир вақтда оралиқ экинлар экишни кўпайтиришга етарли эътибор берилмаётир. Арнасой, Зафаробод, Музробод, Бўка, Юқоричирчик, Сирдарё, Янгийўл туманларида оралиқ экинлар экилмади.

Президент Ислам Каримов 1996 йилда республикаимизда галла мустақиллигига эришиш, пахта ва бошқа кишлоқ ҳўжалик экинларидан олинган ҳосилни қайтаришга маъмурий вазифасини қўйди. Республикада галладан ўртача 35 центнердан ҳосил олиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Бунга эришиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

Кузги-қишқи тадбирларни амалга оширишда нималарга эътибор бермоғимиз лозим?

Аввало, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиб, қолган пахта ҳосилини териб олиш керак. 1 декабрда шудгорлашни тугаллаш талаб этилади. Ер ҳайдаш билан бирга унга фосфорли ўғитларни соф ҳолда гектарига 90-100 килограммдан солиш зарур. Галлачиликда ўтган йили йўл қўйилган хатолар такрорланмаслиги лозим. Экилган галлани 20 ноябргача сувдан чиқариб, 25 ноябргача тўла ундириб олишга эришиш керак. Галлани эрта баҳорда озиклантириш учун минерал ўғитларни гамлаб қўйиш асосий вазифалардан биридир.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сурундаё, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятлари шол ирими шудлики билан йиғиштириб олиш зарур.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ҳўжалик вазири Р. Хусанов, республика Бош прокуровори Б. Мустафоев, республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев ҳамда бир неча вилоятлар ҳокимларининг ахборотлари тингланди. Республикада кузги-қишқи ишларини бажаришдаги арзонроқ билан бирга жиддий камчиликлар ҳам тилга олинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайхон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган қарори ҳали бу йўлда кўпалаб амалий тадбирлар ўтказиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ризқ-рўзимиз бўлган дон ниҳолларини пайхон қилишнинг олдини олиш муҳим вазифадир.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Мирсафоев, Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Ҳ. Исмоилов, Ю. Пайгин, К. Ҳаққулов, В. Чжен, К. Раҳимов қатнашди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқларига ваколатхоналарини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкаларини республикадаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда амалдаги қонунийликни ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Мазкур фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 ноябрь.

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мухтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябидан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан «Тошкент ҳақиқати» учун 1996 йилга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин.

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент қўтичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассасалар учун ҳам, яқка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи асосан йилгидек — 64672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шоянглинг!

• СП-1

АБОНЕМЕНТ РЎЗНОМА

Тошкент ҳақиқати

64672

(нашр номи)

Обуна соми

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Қиммат

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64672

Тошкент ҳақиқати

(нашр номи)

Обуна янги маянлага юбориш

Баҳоси

Сўм

Обуна соми

Баҳоси

Сўм

1996 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Қиммат

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

КҮНГЛИ ЯҚИН ХАЛҚ

Мамлакатимиз Президенти Исрол Каримовнинг Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцогнинг тақлифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифи давом этмоқда

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг жаҳондаги кўплаб давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Республикаимиз Президенти бир қанча мамлакатларга расмий ташриф буюрди. Ўзбекистон раҳбарининг Германияга бу галги сафари ҳам икки давлат ўртасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Германия Федератив Республикаси Европанинг марказида жойлашган. Мамлакатнинг кулай жўғрофий ўрни — яъни Шимолий ва Битик дегизларига туташлиги сув йўли орқали дунёнинг исталган бурчагига чиқиш имконини беради. ГФР — Франция, Дания, Польша, Швейцария, Австрия, Чехия, Голландия, Бельгия ва Люксембург давлатлари билан чегарадош. Германия Европанинг аҳолиси зич жойлашган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ГФРда 80 миллионга яқин аҳоли яшайди. Аҳолининг асосий қисми протестант ва католик мазабларига эътиқод қилади.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушида ғолиб чиққан иттифоқчилар — СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг қарори билан ягона мамлакат иккига — Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикасига бўлиб юборилган эди. Шу йиллар ичида ГФР уруш асоратларини тезда бартараф этибгина қолмай, жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар сифатини ўрни олишга муваффақ бўлди. Социалистик жамият тузиш йўлидан борган ГДРда эса турмуш даражаси ГФРнинг Европа давлатларига нисбатан анча орқада қолди. Немис халқининг азалий ягона Германия яна бирлаштириш йўлидаги орузи 1989 йилда таъкил рамизи бўлган Берлин деворининг йиқилиши билан рўйга чиқди. 1990 йилнинг 3 октябрида эса ГФР ва ГДР бирлашиб, ягона — Германия Федератив Республикаси эълон қилинди. Эндиликда ушбу кун мамлакат тарихида бирлашув кун — миллий байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Бу сана нафақат Германияни бирлаштирди, балки шу пайтгача икки қарама-қарши тузум — капитализм ва социализм ўртасидаги «Совуқ муносабатлар» сиёсати ҳам барҳам берди. Уша пайтда баъзи сиёсатдонлар ГФР ва ГДРнинг бирлашиши ГФРнинг иқтисодий таназулга олиб келади, дея башорат қилган эди. Бироқ вақт ушбу башоратнинг пуч эканлигини кўрсатди. Икки мамлакатнинг бирлашувидан сўнг иқтисодийда тенглаштирув сиёсати муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда жаҳон бозорига немис маркази қийматининг кундан кун ошиб бораётгани ҳам бунга ёрдам қилди.

ГФР 16 федерал ҳудудлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир федерал ҳудуд ўз конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга. Давлат бошлиғи Федерал Президент саналиб, у Федерал Кенгашининг махсус чакирғи билан беш йил муддатга сайланади. Мамлакатда қонун чиқарувчи ҳукумат — парламент бўлиб, у Бундестаг — депутатлар палатаси ҳамда Бундесрат — федерал ҳудудлар палатасидан иборат. Бундестагга ҳар тўрт йилда 662 нафар депутат сайланади.

Мамлакат сиёсий ҳаётида бир неча сиёсий партия ва гуруҳ фаол иштирок этади. 1994 йилнинг 16 октябрида Бундестагга бўлган сўнгги сайловда олти сиёсий партия ва гуруҳ вакиллари ўрин олди. Сайловда нуфузли икки партия энг кўп — Германия социал-демократлар партияси 252 ўрин, христиан-демократлар иттифоқи эса 244 ўрин олишга муваффақ бўлди.

Жаҳон ҳамжамиятида Германия Федератив Республикаси ўз муносиб ўрнига эга. Мамлакат Европа иттифоқини ташкил этиш ташаббускорларидан бири. Айни пайтда у Европани бирлаштириш, Шарқий Европа ҳамда собиқ Иттифоқ ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларда иқтисодий ис-

лохотларни ўтказишда яқиндан кўмак беришда кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Германия шунингдек, Шимолий Атлантика блокида ва Евроатомда ҳам ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга.

Германия Федератив Республикаси жаҳондаги ривожланган «Кучли еттилик» мамлакатлари орасида АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда металлургия, кимё, электротехника соҳалари ва қурилиш саноати жуда тараққий топган. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида ҳам катта муваффақиятларга эришилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосини йиррик фермалар ташкил этади. Мамлакатда асосий эътибор чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган.

ГФРда ташки иқтисодий алоқалар катта аҳамиятга эга. Мамлакатда ишлаб чиқарилган жуда кўп маҳсулот турлари хорижга экспорт қилинади.

Германия Федератив Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тарихи асримиз бошларига бориб тақалади. Уша пайтда савдогар ва тижоратчилар ўртасида савдо-сотиқ кенг ривожланган эди. Уша йиллардаёқ, Тошкент кўчаларида «Мерседес-Бенц» машиналари юрганини, Тошкентда «Сименс» телефон станцияси иш бошлагани, маҳаллий чеварлар «Эингер» тикув машиналаридан фойдалана бошлаганига тарихнинг ўзи шоҳидир.

Туркистон ва германиялик савдогарлар ўртасида йўлга қўйилган яхши алоқалар, албатта, ўзаро ишонч маҳсулидир. Немис халқи юртимиз одамларини диёнатли, меҳнатсеварлиги боис ҳурмат қилиб, улар билан ҳамкорлик қилиш манфаатли деб ҳисоблаганлар. Бироқ, бевосита алоқалар собиқ Иттифоқ даврида узилиб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бу муносабатлар бутунлай янги тус олди. Айниқса, мамлакатимиз Президенти Исрол Каримовнинг 1993 йил баҳорида Германия Федератив Республикасига ва Германия Федерал Президенти Роман Герцогнинг шу йил баҳорида юртимизга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада равақ топиши учун муҳим омил бўлди. Ҳозирда Германия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг ишончли ҳамкорларидан бири сифатида қадрлайди. Бунинг исботи сифатида айни пайтда мамлакатимизда муваффақиятли фаолият кўрсатётган ўнлаб Германия фирм ва компанияларини тилга олиш kifoya. Хоразмда «Мерседес-Бенц» фирмаси юк автомобилларини ишлаб чиқараётганини, «Алкател», «Сименс» каби фирмаларнинг Ўзбекистон энергетикаси, алоқа тармоқларини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага кўтариш йўлида қўлаётган хизматларини, «Даймлер Бенц», «Тиссен», «Люфганза» каби концерн ва компаниялари билан олиб борилаётган ўзаро фойдали ҳамкорликини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатларимиз ўртасида тобора ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорлик улкан самаралар бермоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айрибошлаш уч йил ичида беш маротаба ўсиб, 1994 йилда бу кўрсаткич бир миллиард немис маркасидан ошиб кетди.

Германия Федерал Президенти Роман Герцог таъкидлаганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги масофа яқин эмас. Бир Европада, иккинчиси Осиё қитъасида жойлашган. Бироқ, ҳар икки мамлакатнинг бир-бирига қизиқиши узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Илгари бу масофани қаровонлар яқинлаштирган бўлса, эндиликда бу масофа улкан ҳаво лайнерлари олдидан бир неча соатлик йўл. Қолаверса, ўзбек ва немис халқларининг кўнглидаги яқинлик олдидан масофа ўз қадрини йўқотди.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Иқтисодий ислохотларни изчиллик билан жорий этаётган «Тошвилюктранс» концерни ташкил этилганига 40 йил тўлди

Ташкил топганлигининг қирқ йиллиги кенг нишонланаётган концернимиз босиб ўтган йўл муҳим воқеалар ва мазмунларга бой. У 1955 йил биринчи йилида «Тошкент вилоят юк ва йўловчилар ташкил трести» тарзида шаклланди ҳамда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларига хизмат кўрсата бошлади.

Ана шу кезларда унинг таркибида тўртта юк автобаси, автопарк ҳамда таксомотор парк бўлиб, уларда 1540 та юк машинаси, 308 автобус, 395 такси, 72 та хўжалик машиналари мавжуд эди. Йиллар давомида мазкур трестнинг таркиби ўзгариб, кенгайиб бориб, йил-яна бир корхоналар ташкил топди, бир қатор ёқилга қўйиш тармоқлари қўриқлиб, шу тизимдан жой олди. Халқ хўжалиги ва шахсий юкларни ташиниши кўзга тўтган шаҳарлараро юк автостанцияси ҳам қаторга қўшилди. 1968 йилда вилоят марказлашган йўловчилар ва юк ташиниш автомобиль трести йилда йўловчилар ҳамда юк ташиниш трестлари ажралди. Ана шундан кейин «Тошвилюктранс» бирлашмаси шаклланиб, унинг таркибидаги 12 автопаркнинг бўлимлари юк ташиниш вазифасини ўз зиммаларига олдилар.

Бу жамоа ўзи бунёдга келгандан буён токи 1995 йилнинг ноябрга қадар 1090 миллион тонна халқ хўжалиги юкларини манзилга етказиб берди. Концерннинг тарихий саҳифаларига унинг Олмалик кон металлургия комбинати, Тошкент, Сирдарё, Ангрэн ГРЭСи, Чорвоқ ГЭСи, Тошкент, Охангарон, Чорвоқ сув илчиласи, қатор автомобил йўллари қурилиши, хусусан Тошкент — Бекобод йўлининг барпо этилишига салмоқли ҳиссаси алоҳида аҳамиятга эга.

Концерннинг турли тизимларида узоқ йиллар давомидаги самарали меҳнатлари учун юксак мукофотларга сазовор бўлган, кўсини орден ва медаллар безаган 287 нафар ишчи ва муҳандис, хизматчилар, бошқарув ходимларининг фаолияти, соҳамиз кишиларининг янакам фидо қилиниши ҳақида қатор мулоҳазалар қилинган. Ҳабибулло Абдужабборов, Туроб Жамол, Николай Ким, Олтинсой Қўшмақов, Абдуҳад Олимов каби ана шундай малакали, мураббий ҳайдовчилар ўз меҳнатлари билан жамоа шухратини мунтазам ошириб келдилар.

Бутун бу «Хизмат кўрсатган автотранспорт ходими» деган юксак унвонга сазовор бўлган Б.Ражабов, М.Рафуров, Е.Мартиненко ва бошқа фахрийларимиз номларини ҳурмат билан тилга олиш kifoya. Улар концернда ўзлари ўрнатган кўрсаткич ишлабгина қолмай, аjoyиб шогирдлар ҳам етиштирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, концернимиз ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, қўлатли машиналар ишлаши учун

қулай шарт-шароитлар яратилган автохўжаликларига эга бўлган бирлашмадир. Шу боси ҳам бўлимларимизда ишни қайта қуришга дадил киришдик. Концерннинг ҳамма тармоқларида биринчи бўлиб мулкчиликнинг ҳиссалорлик шаклига ўтди. Ҳозирги кунда биз 3 минг 300 дан ортиқ автотранспорт воситаларига эгамиз. Саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, пахта, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотларни ташиниш борасида бой тажриба тўпладик. Микозларимиз сони 400 дан ошиб кетди. Булар вилоятдаги улкан саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалардир. Юкларни манзилларига ўз вақтида сифатли етказиб беришда янгила шаклга ўтиб ишлаётганимиз ижобий самараларга олиб келди.

Айни пайтда бизнинг ҳиссалдорлик жамиятини айланишимиз осон кечгани йўқ. Аммо фақат иқтисод ва ижтимоий соҳаларда изчиллик билан ишловлар ўтказиб боришга қилишлар фаровонлигини таъминлаш, турмуш тарзининг яхшиланиши асосий манбаи эканлигини ҳодимларимиз тез тўшуниб етдилар.

Биз фаолиятимизни қайта қуриш жараёнида кўп изландик. Бунда Президентимизнинг мулкни давлат тасаруфидан чиқариш тўғрисидаги фармони ҳамда республика Вазирилар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори янги шаклга кириб бораётган трестимиз учун аниқ мулоҳаза бўлди. Юқорида айтганимдек, ишга изчил киришдик. Бу сўзимни тақдирларимизнинг босиб бор. Концерни ташкил этилганга қадар бўлган тизимда биринчи бўлиб Бекобод автокорхонаси хўжалик ҳисоботи ўтиб ишларини жорий этди. Бу катта тайёргарлик ишлари олиб боришнинг, бутун жараёни бошқариш учун янги самарали иқтисодий омиллар яратилиши буюртмачи топшидан тортиб шартномалар тузишга қадар ишларни йўлга қўйиш, қўйишнинг талаб қиларди. Илгари йиллик режалар эришганлар энг охири кўрсаткич бўлибча олиниб, «қорон»дан белгиланган эди. Ана шу маъмурий муносабат кўп ҳолларда хўжалик ҳисоботи иш юритиш принципларига мос келмасди.

Эндиликда автохўжаликлар мижозлар билан шартномаларга қўра ўз режасини ўзи белгилайдиган бўлди. Режа бахарилиги шартнома рағбатлантириш учун моддий рағбат қўйилди ҳам ташкил этилди, шу тарзда ҳар бир ҳайдовчи, таъмирловчи, муҳандислар, хизматчилар ўз иш сифатлари билан ола-

диган маблағлари орасида бевосита боғлиқлик борлигини ҳис этилар.

Янгила фаолиятимизни босқичма-босқич амалга ошира бошладик. Утган тўрт йил мобайнида мавжуд автокорхоналарнинг барчаси ўзларининг мулкчи хўжалиқларини таъкидлайдиган хўжаликларга эга бўлдилар. Кейинги босқичда автокорхоналарда йилгилаш ўтказилиб, давлат акционерлик корхоналарининг низомидаги тартиқланди, акциялар ҳамда сертификатлар чиқариш режалари, уларни сотиш, олинадиган фойдани тақсимлаш, шу тариқа ҳиссалдорлик жамиятларининг жамғармаларини мустахкамлаб бориш тартибларига эга бўлди.

Тўғриси айтиш керак, мулкчиликнинг биз танлаган шакли автохўжаликларда тўз ўзгаришларга олиб келди. Улар фаолиятларини мулқлақ ўзгача қўрига бошладилар. Юк ташиниши оқилона йўлга қўйиш, яъни бир манзилдан иккинчи манзилга борган машинанинг бун қайтмаслиги ҳақида жиддий ўйлайдиган бўлиб қолдилар.

Корхоналарда таъмирлаш ишларини механизациялаштириш, ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шартлида уларни ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этишда ташаббускорлик авж олди. Ҳақ тўлашнинг янгила усуллари жорий этилди. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси ишда самарадорлиқни оширди. Натижада шу йилнинг ўн ойи ичида концерн 190 миллион тонна юкларни манзилларига етказиб, 608 миллион сўм даромад қилди. Акция ҳисобига тушадиган даромад ҳам ўз-ўзидан ошди. Ҳозирга 36 миллион сўмдан кўпроқ хизмат кўрсатилди.

Автокорхоналарда ҳар бир ҳайдовчининг ўртача ойлик маоши 2200 сўмдан ошиб кетди. Тиркамали машиналарга бу кўрсаткич 4-5 минг сўмга ҳам етмоқда.

Янгила шаклга ўтиб ишлаб бошлаганимиздан кейин автокорхоналар ўртасида муносабақа ўз-ўзидан авж олди. Кўп йиллик малакага эга бўлган транспортчилар Файзи Тошмуҳаммадов, Акбар Қомиллов, Александр Дё, Аскар Ражабов, Раҳбарлик қилувчи 2-Чирчик 74-Тўғтепа, 121-Янгитўғтепа, 2503-Янгитўғтепа автохўжалик ва бошқа қатор ҳиссалдорлик жамиятлари иқтисодий-ижтимоий ишловларини амалга ошира бориб яхши натижаларга эришмоқдалар. Иш усулбдаги ўзгаришлар жамоада масъулиятни оширди. К.Ш.Шарипов, Э.Умаров, И.Йўлдошев, Ш.Усмонов каби ҳайдовчилар, А.Жалилов, Р.Манолов, Н.Третьяков, К.Зориров сингари таъмирловчилар ўз иш жойларида меҳнат унвондорлиги ва самарадорлигини орттириш муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Айни пайтда автохўжаликларда халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг кичик корхоналар сони кўпайди, цехлар очилди. Асосий юк ташиниш ишларидан ташқари, бу соҳа ҳам даромад манбаига айланди. Шу тариқа моддий жиҳатдан мустахкам оёққа туриб олдик. Бу эса ишчиларни муҳофаза этиб боришдаги имкониятларимизни кенгайтирди. Қатор ақилодорлик жамиятларида имтиёз тариқасида ҳайдовчиларни 55 ёшдан пенсияга чиқариш, қам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат таштиллари муддатини 24 иш кунидан 40 иш кунигача узайтириш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги шартларини ҳисобга олиб 15 йилдан ортиқ ишлаган ишчиларга қўшимча ҳақ тўлаш ёки турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун маблаг ажратиш, бошқарув босқичлари таъминоти бепул ташкил этиш, аёллар учун кунлик иш соатини камайтирган ҳолда, маошини тўла сақлаб қолтиш, болали аёлларга фарзанди уч ёшга тулганча корхона ҳисобидан қўшимча нафақа тўлаб бориш, дам олиш оромгоҳларида ва профилакторийларда ишчилар саломатлигини мустахкамлаш, ҳар бир автохўжаликда маҳсулотларини

ўз таннарида сотадиган савдо шаҳобчаларининг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш йўлга қўйилди. Утган йиллар ичида Чирчик, Бекобод, Алимкент, Янгитўғтепа, Тўғтепа, Бўқа автокорхоналари ўзларининг қўшимча хўжалиқ, саноатлари, манзил хизмат бинолари, дам олиш хоналаридан иборат соғломлаштириш масканларига эга бўлдилар. Концернимизнинг барча бўлимларида умумий оқватланиш билан боғлиқ муаммолар ҳам тўла ҳал этилди. Ошхоналар, чойхоналар, буфетлар, кафелар мунтазам ишчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тўғтепа ва Бекобод автокорхоналарида хизмат қиладиган ишчиларнинг фарзандлари учун 230 ўринли боғчалар қад қўтарди. 2-Чирчик автокорхонаси жамоаси тошлоқ жойда жаннатмакон боғ барпо этиб, катта бир автокўлонанини у ерга қўйишга муваффақ бўлди. Янгитўғтепа автокўлонанини чорвачилик бўйича ёрдамчи хўжалигини янада кенгайтирган бўлса, Бўқа, Бўстонлик, Солдатск, Алимкент автокорхоналари иссиқхоналарини кенгайтирилди. Бу жойларда қўшимча даромад учун имкониятлар яратилмоқда.

Биз уй-жой муаммосини ҳал этишда автокорхоналар маблағи тайёр уйлари сотиб олиш режасини амалга оширатимиз. Давлат йўли билан қуриладиган уйга нисбатан, тайёр уйнинг арзон тушушига ишонч ҳосил қилдик. Ишчиларни уй-жой билан таъминлаш тешлашди. Сунти йилларнинг ўзида Алимкент, Ангрэн, Тўғтепа ва Бўқада 46 та шундай тайёр уйни сотиб олди. Ишчиларга уй-жой қуриш учун томоқлар ажратилиш масалалари ҳам ижобий ҳал этилмоқда. 1989-1994 йиллар орасида «Тошвилюктранс» учун 200 та томоққа ажратиб берилди. Шу билан биргаликда ишчиларга уй-жой қуриш учун қарз беришимиз, қурилиш материаллари билан қўмқашлашимиз. Утган йилларнинг ўзида 322 оиланинг турар-жой шартини яхшилади.

Шуни ҳавфга айтиш керакки, бундай шартномага ишчиларга ўз корхоналарига илҳос ва меҳр уйғотмоқда. Армия хизматига кетган ёшларнинг яна қайтиб иш жойларига қилиниши бунинг яққол далилидир. Биз бундай ёшларга бурчиларини адо этиб келгандаридан сўнг белгиланган мижозларга нафақа беришнинг ҳам жорий этилди.



Хўлоса қилиб айтганда, концернимиз ўзининг 40 йиллигини ҳар томонлама муносиб қутиб олмади.

Навбатдаги вазифамиз ишловларнинг иккинчи босқичидаги муҳим вазифаларни рўйга чиқаришдир. Бундан кейин ҳам концерннинг барча бўлимлари жамоалари вилоят халқ хўжалиги юкларини манзилларига ўз вақтида, сифатли етказиш аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, ишчиларга қулай шарт шартнолар яратиш борасида қўй-ғайратларини, меҳнатларини аямайдилар.

С.ЮСУПОВ,
«Тошвилюктранс»
концерни бош директори.

Концерн корхоналарида унинг номини фидойи меҳнатлари билан шарафлаб келадиган ишчилар кўп. Суратларда: Юқоридан пастга Янгитўғтепа шайридаги 2503 автокўлонга ҳайдовчиси Х.Абдуллаев, Солдатскдаги 81-АТП таъминот бўлимининг бошқари А. Муртозаев, 121-Янгитўғтепа автокўлона ҳайдовчиси Т. Мирзакўловлар ана шулар жумласидандир; Концернда ҳар кунги режалаштириш йилгилашари шундай ишчанлик вазиятида ўтади.

З. КРИЛЛОВ олган суратлар.



МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

УСТЮРТАДА ЯНГИ ЗАВОД

Устюртада янги завод қурила бошлади. У Ўзбекистон халқ хўжалигининг каустик содага эҳтиёжини тўла қондиради.

Кўп тармоқларда ишлатиладиган бундай сода ҳозир қисман хориждан сотиб олинмоқда. Бир тонна каустик сода жаҳон бозорига салкам 300 доллар туради.

Ҳозирги пайтда республика саноатида йилга 180 минг тоннагача сода ишлатилади. Янги завод қуриб битказилгач, дастлабки йилдаёқ худди шунча маҳсулот ишлаб чиқаради. Тўла қувват билан ишлаб бошлагач, маҳсулот ҳажми уч баравар кўпаяди. Каустик соданинг ортиқча қисми қўшни мамлакатларга сотилади.

ХОРАЗМ ЛИМОНЛАРИ

Хоразм вилояти Урганч туманининг Мангуберди номидаги жамоа хўжалиги аъзолари иссиқхонани кенгайтиришга қарор қилишди. Бир ярим гектар ерга лимон кўчатлари ўтказилди.

Келгуси йилдаёқ лимондан дастлабки ҳосил мўлжалланмоқда. Субтропик меваларни сотиш хўжалиқининг моддий базасини мустахкамлашга ёрдам беради.

Жамоа хўжалиқининг олти гектарлик иссиқхонасида бодринг, помидор, ошқўк ва гул етиштирилади. Бу ерда 60 киши меҳнат қилади. Уларни ёз ойларида иш билан таъминлаш учун жамоа хўжалигида сопол ва ойна буюмлар ишлаб чиқарадиган цех барпо этилди.

ЭСКИ ТЕРМИЗ СИРЛАРИ

ОЧИЛМОҚДА

Ўрта асрдаги Термиз топографик хартисига янги белги пайдо бўлди.

Халқаро илмий экспедиция олиб бораётган қазув ишлари чоғида бу ерда кўп асрлар муқаддам Амударё соҳилида қурилган кемаларнинг тўхташ жойи топилди. Илмий излашлар тасодифан бошлангани йўқ. Қадимги қўлёмалар Термизда йирик бандаргоҳ бўлганидан далолат беради.

Бир қанча мамлакатлардан келган олимлар уч мавсумдан буён биргалишиб ишлашмоқда.

ЯНА БИР ГАЗЕТА

Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманидаги йирик кўрик массив — Ёнбошқалъа чўлқуварлари ўз наشريга эга бўлди.

«Ёнбошқалъа тоғи» — «Жамбасқала тани» газетасининг илк сони ўқувчилар қўлига теги. Ўзбек ва қозок тилларида чиқадиган ҳафталикда кўриқни ўзлаштирувчилар ҳаёти ва бунёдкорлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ

МУАММОЛАРИ

Фарғона шаҳрида вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида «Маҳаллий ҳокимият идораларидаги сиёсат» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда маҳаллий бошқарув тизимларининг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида тугган ўрни ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Семинарнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими М. Исмолов иштирок этди.

(Ў.А.)

АБОНЕМЕНТНИ ТЎЎРА ТУАДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳини ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмас ушбу алоқа бўлимининг календарий штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунани ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида қўнғанида берилди.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳини ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда қарточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва ёзувлари қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадавалидаги қондаларга рўй қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойланинг каттакларини ва «ПВ-ЖОИ» каттакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдирини.

• Чиноз тумани ҳам маррага етди

ДЕҲҚОННИНГ ИШИ НОЗИК...

У зиммасидаги ҳамма режасини — пилла, галла, сабзавот, хуллас, барчасини бажариши мумкин. Лекин, пахтаси тўлмаса...

ЧУНКИ, деҳқончиликда пахтанинг ўрни бошқа. Айниқса, қулай келган 1995 йилда режани бажармаслик мумкин эмас эди. Буни дилдан ҳис этган Чиноз тумани пахтакорлари астойдил меҳнат қилдилар. Ана шу қилинган ишлар ўзининг самарасини берди. Давлатга 18 минг тонна хом ашё топширган чинозлик меҳнаткашлар ҳам йиллик режаларини бажардилар.

Буни марра эгаланган кунда туманимиз пахта хирмонида баракали ҳисса қўшган Амир Темур номли, «Гулзоро-бод», Навоий номли, «Ўзбекистон», «Дустлик», Т. Охунова номли, С. Раҳимов номли, «Эшано-бод» жамоа ҳўжаликлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бу ҳўжаликларда эрта баҳордан оғир меҳнат қилинди. Белгиланган барча тадбирлар маромида бажарилди. Натияжада, юқори ҳосил етиштирилди. Улар йиғим-терим мавсумини ҳам уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Туманимизда ҳар йилгидек, бу йил ҳам мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Терим машиналарининг сифатли таъмирланиб, соналанилиги туфайли етиштирилган ҳосилнинг 9 минг тоннадан ортиги машиналар бункеридан тўкилди. Чинозда уста пахтакорлар кўп. Бу йилги шариоатда ҳам ана шу тажрибачилар етакчилик қилаётган бригадаларда юқори ҳосил олинди. Биргина «Гулзоро-бод» жамоа ҳўжалигининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Баҳром Умаров бошчилик қилаётган жамоаси 83 гектар майдондан 28,5 центнер ўрнига салкам 40 центнердан пахта йиғиштириб олдилар. Асрор Собиров, Шарип Баратов, Убайдулла Избосаров, Хурсан Бўрибев, Ҳабига Жўраева етакчилик қилаётган бригадаларда ҳам пахта мўл ва сифатли бўлди.

Чинозликлар эришган галабага Зан-

гиота тумани меҳнаткашлари — ҳашарчилари қўшган ҳисса ҳам аризуликдир. Бу туман ишчи-хизматчилари, ўқувчилари, талабалари пахтакорлар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, ҳосилни теришда фаол иштирок этдилар.

Ҳар қандай ишнинг муваффақиятини белгиланган тадбирнинг қанчалик пухта тузилганлиги, йўналишининг тўғри олинганлиги таъминлайди. Туман ҳокимлиги мавсум бошидан оғир асосда ишлади. Барча ҳўжаликларда, бригадаларда шарт-шароитдан келиб чиқиб, ишнинг ташкил этиш бош вазифа қилиб қўйилди. Ана шунинг учун ҳам машиналардан самарали фойдаланиш билан биргаликда қўл теримига эътибор берилди. Ҳўжаликларда мадад бригадалари тузилди. Иш ҳақининг ўз вақтида берилганлиги, одамларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш қатъий назорат қилиб борилди. Ана шунинг учун ҳам туманимиздаги нафақат ишчи-хизматчилар, балки, оқсоқолларимиз, хурматли фахрийларимиз ҳам йиғим-теримда бизга мададкор бўлишди.

Ҳар бир мавсум ўзининг муваффақиятлари, айрим камчилик ва нуқсонлари билан ҳам сабоқ бўлади. Очигини айтиш керак, баъзи ҳўжаликларда баҳор ва ёзда эътиборсизлик қилинганлиги туфайли қўчат сийрак бўлиб қолган майдонлар, кечки пахталар ҳам мавжуд эди. Табиат инхиликлари туфайли кўп майдонлардаги чигитни қайтадан экишга тўғри келди. Бир неча ҳўжаликда мавжуд техника воситаларидан тўлиқ фойдаланилмади. Айрим пайтда ташкилотчилик ишлари етишмади.

Эндиликда биз бу масаланинг ҳаммасини атрофлича таҳлил этиб, тегишли ҳулосалар чиқарамиз, чора-тадбирлар белгиланган, албатта. Мен юқорида деҳқончиликда пахтанинг ўрни бош-

қача, дедим. Дарҳақиқат, республикамиз Президенти ва ҳукумати пахтакорлар учун катта ғамхўрлик қилиб келаётган, айниқса, режадаги ҳосилнинг 40 фоизи ва ортигининг бари ҳўжаликлар ихтиёрида қолдирилганлиги катта аҳамиятга эгадир. Қолаверса, пахта республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам айни кунларда туманимизда даладаги ҳосилни тўлиқ йиғиб-териб олиш билан биргаликда келгуси ҳосилга пухта замин тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Яна шунинг айтиш керакки, туманимиз деҳқонлари республикамиз галла мустақиллигига ҳам муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Туманда барча майдонларга галла экиб бўлинди. Олди ҳўжалик ва бригадаларда бошқоқли дон экинларини озиклантириш ишлари бошлаб юборилди. Туманимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиш, мулкни ўз эгасига бериш ишлари ҳам жадал давом этапти. Ҳозирнинг ўзидаёқ кимовиди савдоларида фуқароларга берилган қорвончилик фермаларида юқори маҳсулдорликка эришишга қўлларини қўйиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Чиноз тумани меҳнаткашлари, деҳқонлари бундан буён ҳам ислохотларни чуқурлаштириш, республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

Убайдулла МИРСОБИРОВ,
Чиноз тумани агрохизмат уюшмаси раиси.



АМУР ТЕМУР номли жамоа ҳўжалиги 5-бригада бошлиги Хурсанбой Бўрибев.



ЧИНОЗ пахта тозалаш заводи лаборанти Зухра Тоғаева ва завод директори Эркин Йўлдошевлар пахта сифатини кўздан кечиришмоқда.



Абдуҷалол РАҲИМОВ олган суратлар.



Суратларда: «ЎЗБЕКИСТОН» жамоа ҳўжалиги аъзолари (чапдан ўнга) механизаторлар Собир Аширбеков ва Эгамберди Мўйдашев, хирмон ишчилари Холикул Сотиббеков, Нурилла Эшматов ва жамоа ҳўжалиги раиси Эргаш Жонтелеев; «ГУЛЗОРОБОД» жамоа ҳўжалиги раиси Мирсаид Абдукаримов (ўртада) 2-бригада механизатори Баҳром Мансуров (чапда) ва хирмон ишчиси Раҳим Шерматовлар билан.

• Ҳар тўғрида

СУЛАЙМОН ПОДШО ДАВРИДАГИ ХАЗИНА

ИСРОИЛ Маданият вазири археология бўлими Йокнеамдаги қазилма пайтида урта оғир сопол кўза топиб олди. Лабораторияда ўтказилган тадқиқотлардан сўнг археологлар бу хазинанинг тарихини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Кўзалардаги кўпдан-кўп олтин ва қумиш безаклар, шунингдек бир неча олтин ва қумиш ёмбарлар Сулаймон подшо даврида қурилган уйнинг остига эрамиздан тўққиз ёки ўн аср аввал қўйилган. Уй эгаси уйдан чиқиб кетиш олдидан қанчалар қайтиб келиб, қазиб олиш мақсадида шу хазинани яширган. Аммо у қайтиб келмаган. Хазина эса археология экспедицияси топиб олгунча чуқурда уч минг йил давомида ётган.

ҲАМОН ЮРИБ ТУРИБДИ

GERMANYANING Вупперталь шаҳрида 36 йилдан бери соатлар музейи ишлайди. Унга икки мингга яқин соатлар қўйилган. Витринада, айтишларича, Наполеон Бонапартга қарашли соат ҳам бор. Аммо бу нотўғри, аслида у Наполеон ўлгандан сў-

нг ясалган. Залга ангушванага жойланган митти соат ҳам қўйилган. Шу ерда қора дарахтдан ишланган катта соат ҳам томошбинлар эътиборида. Айтишларича бир вақтлар немис маликаси унга ўз жазманини яшириб қўйган эмиш. «Зюд-дойче цайтунг» газетаси шу ҳақда хабар берган.

ФАҚАТ УНГ ОЁҚҚА ЎЛЧАШАДИ

ТЮМЕНЬ шаҳридаги пойабзал дўконларида харидорларга оёққа ўлчаб кўриш учун фақат ун оёқ пойабзални берадиган бўлишди. Пойабзал ўрғилари хаддан зиёд кўпайиб кетгани сабабли сотувчилар ана шундай қилишга мажбур бўлишди. Одатда ўрғилар икки киши бўлиб келиб, бири пойабзалнинг ўнг қисmini, иккинчиси эса чап қисmini ўлчамоқчи бўлиб, сўнг киши кўпчилигидан фойдаланиш билдирмай чиқиб кетаверишган. Энди эса харидорлар кассага пулни тўлаб келгандан кейингина унга пойабзалнинг чап қисmini берадиган бўлишди.

ҚУЛОҚНИНГ ЯНА БИР ВАЗИФАСИ

FRANCOUZ шифокори Альфред Томатис таъриба йўли билан қулоқ фақат эшитув органига эмас, шу

билан бирга киши организми мувозанатини сақлашга ёрдам берадиган муҳим орган эканлигини аниқлади. Қулоқнинг ўрта қисми бош мия пўстлогига юқори товуш қувватларини юборади. Шундан сўнг қувват миянинг буйруғи билан орак, жигар, буйрак ва асаб тизимларига тақсимланади. Шу тарзда бутун организмда мувозанат сақланади.

БУ ҲАМ БИР ҚИЗИҚИШ

АТЛАНТА шаҳрилик эрхотин Адель ва Морис Смитлар бошқалар сингари танга, марка ва бошқа нарсаларни эмас, балки ўзаро танбеҳ ва таъналарни тўплашга қизиқадилар. Улар қирқ беш йил давомида ўзаро жанжал келтириб чиқарадиган 10 мингдан кўпроқ сабабларни, танбеҳ ва таъналарни ўз дафтарларига қайд этиб қўйишган. Таъна ва танбеҳларнинг яримдан камроги дастурхоннинг вақтида ёзилмаган, овқатнинг таъми ёмонлиги ва бошқа сабаблар учун Морисдан чиққан. Адель билдирган танбеҳлар эса асосан Мориснинг ўқувсизлиги, оёқ кийимларини дуч келган жойга ечиб кетиши, кир дастурхондан фойдаланиши каби икки-чикирлар учун айтилган.

ЯНГИ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари Швейцариянинг «Сандоз-агро» фирмаси билан ҳамкорликда қишлоқ ҳўжалик экинларини замбуруғ ва бактериял касалликлардан ҳимоя қиладиган янги «Полисанд» полимер препаратини ишлаб чиқдилар.

Бу препарат илгари қўлланиб келинган, ўсимликларгагина эмас, атроф муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатадиган захарли моддаларнинг ўрнини босади. Бундан ташқари, энди ана шундай моддаларни хориждан келтиришдан воз кечиш мумкин бўлди.

«Полисанд» янги йилдан бошлаб Навоий шаҳридаги қорхоналарнинг бирида қўллаб ишлатиб чиқариш режалаштирилган.

А. ОТАЕВА,
Ў.А. Муҳибри.

МАҲСУЛОТ КЎПАЙИБ, СИФАТИ ОРТАДИ

Ўзбекистон металлургия ҳиссадорлик жамиятида электрда пўлат эритиш мажмуасини қайта қуриш ишлари жадал бормоқда

ЎЗБЕКИСТОН металлургия комбинати ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилгандан кейин ҳам қорхонани қайта қуриш, илгор технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш ишлари янада кенгайиб кетди. Айниқса, жамиятнинг етакчи ишлаб чиқариш бўлимида-сидан бири бўлган электрда пўлат эритиш мажмуида бундай юмуш тўхтовсиз давом этмоқда. Шу туфайли йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Цех жамоаси пўлат эритишнинг қайта қуриш пайтириш мақсадида барча имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки бозор иқтисодиёти шариоитида тежамкорлик, ҳам меҳнат сарфлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Цех ларининг янги замонавий техника асбоб-ускуналар, мосламалар билан жиҳозлаш, хом ашёнинг исроф бўлиши-

га йўл қўймаслик мақсадида 1992 йил цехда наватдаги қайта қуриш ишлари бошлаб юборилган эди. Бу иш «Челленджер» институтидан ишлаб чиқилган ва маъмуладан бош лойиҳа асосида олиб боришмоқда.

Бундай катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини икки босқичда олиб бориш назарда тутилган. Биринчи босқичда ҳозир ишлаб турган 3 пичага пўлатни қайта тозалаш мосламаларини ўрнатиш режалаштирилган. Бундай замонавий мосламалар Германиянинг «Фукс» фирмасидан олинмоқда. Ҳозирча келтирилган назарда тутилган жамий асбоб-ускуналарнинг 85 фоизи қорхона ҳудудида тахт тўрибди.

Бу мосламалар, ўрнатилган янги техника ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми анча ошади. Ишлаб чиқариш суръати 1,5 баравар атрофида ортади, электрод ва электр қувватини сарфлаш эса 20-25 фоиз камаяди. Эритмани тайёрлашда қўшилган кимёвий

моддалардан 10-20 фоиз тежаб қилиш имкони туғилади. «Электрон» — чўмич» техника жараёни эса пичадан ташқари пўлат эритмисини қайта ишлашда муҳим вазифани ўтайди. Қайта қуришнинг биринчи ярим йиллигида туғилган. Кейинги босқичда эса Новосибирскнинг «Сибзлектротерм» заводида тайёрланган «ДСП-100 УМЗ» пичада газ тозалаш иншооти ўрнатилди.

Қайта қуриш ишларига салкам уч миллион доллар ажратилган. Бу маблағ ҳисобида эса Новосибирск шаҳрида барпо қилинаётган пич жадал усуллар билан низоҳасига етказилмоқда. Уни келгуси йилнинг тўртинчи чорагида ўрнатиб фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Энг муҳими, газ тозалаш иншооти ишга тушган цех ҳудудида экологик муҳит жуда яхшиланади, ишчиларнинг саломатлигига таъсир қилувчи чанг, ифлос зарралар пайдо бўлишига чек қўйилади. Му-

• Тадбиркорлик — давр талаби

ЭЗГУ УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ ИНСОН

• Яхши фармон — тадбиркорга дармон • Эски ошхона ўрнида янги хусусий фирма • Ягона тизилма: фермер ҳўжалиги — қайта ишлаш цехи — тайёр маҳсулот — истеъмолчи • Ер, бинолар, жиҳозлар — бари бир қўлда • Қўшимча ишчи ўринлари • Қарзлар узилиди — олга силжиш сезилди • Бозор билан рақобатлашиб • Келажак режалари амалга ошади

ҲАЁТ деганлари тахти-равон йўл эмас экан. Инсон бори, ўзининг рўзгорини бут қилиши, оила аҳволини яхшилаши, дилига яқин меҳнат билан шуғулланишни орау қилди. Республикамиз мустақиллиги шарофати, бозор муносабатларига аста-секин ўтиб бориш тамойиллари туфайли биз каби хусусий тадбиркорлик фаолиятига ҳавас қўйган кишилар учун ҳам қулай имкониятлар очилди. Юртбошимизнинг хусусий тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонлари, ҳукуматимизнинг маъмур масалаларга доир қарорлари биз тадбиркорларга катта куч-қувват ва ишонч бағишлади.

Чинини айтганим бўлсам, хусусий қорхона соҳиб бўлиш нияти менда анча аввал пайдо бўлган эди. Лекин, турли хил тўсиқлар қўйилиши, мутасадди ташкилот раҳбарларининг чўчиб туриши оқибатида ишимиз олға босмади. Ниҳоят, Президентимизнинг 1995 йил 5 январдаги фармонидан сўнг астойдил ишга киришдик.

Бўстонлик аҳолиси туман марказининг собиқ қиёфасини яхши билишди. Деҳқон бозори рўпарасидаги умумий овқатланиш тизимига қарашли ошхона номинатига тамаддиҳона эди. Ичимлик, суви йўқ, атроф ифлос, шифтлардан чакка ўтиб турарди. Устига-устак кеч пайтлари маст-аластлар кўпайиб кетарди. Стол-стулларнинг йўқлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўларди... Ўйлаб-ўйлаб ана шу жойни сотиб олишга аҳд қилдим.

Холва деган билан оғиз чўчимади, албатта. Умумий овқатланиш қорхонасида бош ошпаз бўлиб ишлаб юрган менга ўхшаган одамда каттагина маблағ қаёқда дейсиз?! Ойла аъзолари, қаришдоқ-уруғлар, ошана-оғайнилар билан гаплашиб, маслаҳатни бир ерга қўйдик. Улар менга далда беришди. Белни маҳкам боғлаб, ишга киришдик. Шу орада меннинг аризамга имзо чекилди. Туман ҳокимлиги меннинг режаларимни маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Сув тармоқлари келтирилди, газ бўғилари соналди, жиҳозлар янгиланди, тамаддиҳона умумий кўриниши бир қадар кўрмилли холга келтирилди. Ўйлаб-ўйлаб, фирмага «Камол» деб яхши ният билан ном қўйдик.

Битта қалдирғоч баҳор қилмади, дейдилар. Ёнимга рафикам Олмахон, фарзандларим Сотиббеков, Раҳимжон, Камоллар қўшилди. Бундай қарасак, ҳали кўп одам керак. Тезда яна 15 нафар янги ишчи ўринлари очилди. Хайрли қадам дарровок ўз самарасини берар экан. Фирмамизда миллий таомлар сонини оширишга ва сифатини яхшилашга мўйсаб бўлди. Истеъмолчилар билан муомала қилиш, улар эҳтиёжини қондириш фаолиятининг охирига тўғри келди. Ҳаётнинг ўзи тузатиш қиритди. Укам Зокир раҳбарлигида фермер ҳўжалиги ташкил этишга қарор қилдик. Унинг ўзига яраша 25 гек-

тар ери бор. Ем-хашак деганларидек, озуқаларни ҳам ўзимиз етиштирамиз. Айни кунларда 30 бошга яқин қорамол, бир неча бош отлар семиртирилмоқда.

Ҳўш, мол бўлса-ю, масаллик қидириб юрсақ?... Новоселлар, бўқаларни аввало гўштга, сўнгга тайёр маҳсулотга айлантириш учун фирма ёнида қушхона ҳамда тайёр маҳсулотлар цехини вужудга келтирдик. Шундан сўнг кўнглимиз бир қадар таскин топди. Ягона йўналиш: фермер ҳўжалиги — қайта ишлаш цехи — тайёр маҳсулот—истеъмолчи тизими вужудга келди.

Елғиз ташкилотнинг ўзи хозирги кезларда бозор муносабатларида бироз қийналиш турган гап. Шу маънода туман умумий овқатланиш қорхонаси, вино ва озиқ-овқат комбинати, консерва, нон заводлари билан махсус шартномалар асосида яхши муносабат ўрнатдик. Керак бўлса, улар бизга ёрдамлашадилар ёхуд биз уларга қўмаклашамиз.

Энди фирмада умумий фаолиятнинг аҳволи қандай деб сўрасиз. Айтишим мумкинки, биз ўз ишимиздан хурсандимиз. Давлатдан ёки четдаги шахслардан олган қарзларимиздан тўлиқ узилидик. Қорхонамизнинг ташқи кўриниши шаҳрорамиз-гўзал қиёфа касб этди. Бизнинг тамаддиҳонамизга кирувчилар кўпайди. Миллий таомлар тури 15 тага яқинлашди. Ош, лағмон, қазилорин, кабоб, чўбарақ, мантидан тортиб Оврупо таомларигача бор. Ўз маҳсулотларимизни ярим фабрика ёхуд пиширилган холда сарфаймиз. Гўшт, сут, қатик, қазилорин сингари масалликлар ўзимиздан чиқади. Маъмур маҳсулотларимиз бозордагидан 25 фоиз арзон нархларда сотилмоқда. Фуқаролардан тўлашадиган, қорхона ва ташкилотлардан келадиган буюртмалар асосида ҳам тантанали кўнлар ёки тўйларда хизмат кўрсатамиз. Қисқаси, айни кунларда, албатта, бу яхши гап, раҳматлар кўпаймоқда, шикоятлар йўқолмоқда.

Менинг шахсий фикрим шундай: хусусий тадбиркорликнинг истиқболи порлоқ. Унинг жаҳон андозалари даражасида ривожланишига аминман. Яқинда — 21 декабрда бўлиб ўтадиган Биринчи қаҳир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси кун тартибига кириб ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш рағбатлантириш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақидаги масаланинг қиритилиши ҳам айни мuddаодир. Демак, тадбиркорлик келажакда янада раванг топади, Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ва қабул қилинаётган қонунлар бунинг ишончли гарови бўлади, деб ўйлайман.

Кариаман ҚҰРҲОНОВ,
Бўстонлик туманидаги «Камол» хусусий фирмаси соҳиб.

касбининг моҳирлари бўлган ўнлаб бошқа бунёдкорлар меҳнатда қасбдорларга намуна бўлмоқдалар.

Керакли бинокорлик материаллари ва ўрнатилмадиган асбоб-ускуналарни вақтида келтирилаётганлиги ҳам ишнинг жадал ва бир маромда боришига хизмат қилмоқда. Қурилиш майдончаси ёнида да мийил, овқатланиш ва ечи-нишга мўлжалланган вагончалар келтириб қўйилган. Мунтазам равишда сут, қатик маҳсулотлари ҳамда тушлик учун махсус таомлар ахратилмоқда. Ҳа, шу кунларда электрда пўлат эритиш мажмуасини қайта қуриш ишларини олиб бораётган бунёдкорлар ҳузурда бўлган ҳар бир киши фидокорона меҳнатининг устидан чиқади. Уларнинг куч-ғайрати бу катта ҳажмдаги қурилиш ишлари вақтида бажарилишига шубҳа қолдирмайди.

А. АШУРОВ,
А. БОБОНАЗОВ.

Фан оламида

ШАРҚНИ
МАФТУН ЭТГАН
МУТАФАККИР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида атоқли тилчи олим, шоир ва файласуф Абдулқосим аз Замахшарий туғилган кунини 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлди.

Анжуман иштирокчилари — таниқли тарихчилар, диний фанлар тадқиқотчилари, филологлар Хоразмда туғилиб ўсган олимнинг фаолияти ҳақида, Замахшарий асарларининг бутун Шарқда тилшунослик ва фалсафанинг ривожланишига таъсири тўғрисида гапирдилар. Олимнинг фақат элликта асари бизгача етиб келган бўлиб, улар ҳозир Фарбий Европа, АҚШ ва Шарқда айрим мамлакатлар кутубхоналарида сақланмоқда. Ўзбекистон фанлар академиясининг шарқшунослик институтининг ноёб қўлёзмалари бор.

ЎЗА МУХБИРИ.



ҚИБРАЙ тумани марказининг жанубий-шарқий томонида, Чирчиқ дарёси соҳилидаги Қипчоқ овулида асосан қозоқлар истикомат қилдилар. Мана ярим асрдирки, улар қибрайлик ўзбек биродарлари билан оғанилардек тотув ҳаёт кечириб келмоқдалар. Ана шу овулдан уста пахтакор ва сабзавоткорлар етишиб чиққан. Жумладан, Қобул Алибеков, Алибой Холмуродов, Икром Бердиевлар пахтачиликни юксалтиришга муносиб улушларини қўшган мартабали кишилардир.

Ака-ука Элемес ва Эскермес Дүйсеновлар ҳам ана шу овулдан. Улар буш пайтлари жамоа ҳўжалигининг баддий ҳаваскорлик тўғрисида қатнашар эдилар. Элемес қозоқ халқ кўшиқларини ижро этар, Эскермес думбурча чалишни ўринлардир. Бойқаро Асанов, Турмахан Моханов сингари тенгқўларни жўр бўлишарди...

Бугунги кунда вилоят, республика оқинлар айтишуvinинг совриндори, халқаро оқинлар айтишувининг фаол иштирокчиси Қулмаҳон Дүйсенов 1960 йили юқорида ишлари қайд этилган Эскермес оға Дүйсеновнинг

ДЎСТЛИК ОҲАНГЛАРИ
ЯНГРАГАНДА

оиласида таваллуд топди.

Ўзбекистон ва Қозғистон оқинлиги, шунингдек, халқ термалари ва кўшиқларининг гармонда моҳир ижрочиси Урол Қолдибоев Дүйсеновлар оиласига тез-тез келиб турар, ана шундай йиғинлар эса кўй-қўшиқсиз ўтмас эди, албатта. Болаликдан Қулмаҳоннинг кулоғига Урол оқиннинг бетакрор, ширали овози қуйилиб, мазмундор термалари муҳрлана борди.

Айниқса, оқиннинг дўстла-

би оқинларнинг айтишуvin санъатига доир назарий билимларини ҳам пухта эгаллаб борди. Хозиржавоб термалари билан Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг «Замандас» дастури орқали кенг томошабинлар оммасига яхши танилган Қулмаҳон кўп ўтмай чирчиқлик оқин Аширмат Мусаев, тузеллик оқин Маҳамбой Умаровларнинг назарига тушди. Улар Қулмаҳоннинг айтишуvinларини тинглаб, синаб кўрдилар. У юқоричирчиқлик Шал-

Туркистон — умумий уйимиз

ри Қутбой, Саидбаттал давраларида бўлиш унинг учун ўзига хос санъат мактаби бўлди.

Қулмаҳон Қибрайдаги 13-ўрта мактабда ўқиб юрганида халқ оғзаки ижодини Аюлбек Маметов, Усербой Серғозиев, Ералы Тўйбеовлардан кўп билан ўрганди. Синф раҳбари Раҳима Серғозиева уни синфдан ташқари ишларга кўпроқ жалб этиб, бадий ўқиш ва кўшиқ ижро этганда сахнада ўзини қандай тутиш кераклиги борасида қўллаб қўйиладиган маслаҳатлар берарди. У туманлараро ўтказиладиган «Санъат байрам»ларида ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалларди. Мусика ўқитувчиси Қосим Алиев ундаги қизиқиш ва иқтидорини сезиб, Қулмаҳон билан алоҳида шугулланди. Бу билан бирга адабиёт тўғрисида Суюнбой, Жамбул, Биржон ка-

қар Ўтарбол, Қолдибек Бекбауов сингари ёш оқинлар билан айтишуvinларда яхши натижаларга эришди.

Қулмаҳон Дүйсеновнинг айниқса Қозғистон оқинлари билан бўлган мусобақаси дўстлик рамзига айланиб кетди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан Халқлар дўстлиги саройида ўтказилган оқинлар айтишуvinи Қулмаҳон Дүйсеновга катта шўхрат келтирди. Мазкур мусобақада у жанубий қозғистонлик оқин Халима Жетписова билан айтишиб, барча томошабинларни лол қолдирди. Айтишувнинг қолдиби сифатида ҳақмалар хайъати томонидан Оқ тулпор билан мукофотланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги, «Манас» достонининг 1000 йиллиги ва Абай таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ўтқа-

О. САЙДАҲМЕДОВ.

Муштарий илҳами

ОДОБ ҲАҚИДА БИЛИК

Инсон кўксидagi энг эзгу ният —
Сабоқ олмак, сабоқ бермоқ одобдан.
Одоб — бу ҳаётнинг чуқур мазмуни,
Баҳра олганидек само — офтобдан.
Зебу-зийнатсиз у — гўзаллик рамзи,
Ёшлик раҳнамоси, кексалик нури.
Одобга сунъимок чин инсон фарзи,
Бажармоқлик уни — кўнгил шуури.
Афлотундан тортиб ибн Синолар,
Шеърят султони Алишерлар ҳам,
Сабоқ олиб ундан ҳар даму, ҳар он,
Тарихда ҳеч қачон бўлмаганлар кам.

Самимийлик эрур толенинг бахти,
Халқнинг ҳикматида кетмайлик узок.
Эзгулик — инсоннинг ҳам тожу-тахти,
Бергай у умрга ёруғлик ва завқ.
Олайлик отаю-она ўғитин,
Токи улар бизга чўққидга қўш.
Ҳар дам ганиматдир, ўтмасин зое,
Афсус қилмайлик сўнг тўқиб кўздан ёш.
Келажакка дадил бораёйлик десанг,
Ўтмиш хотиротни бугунга боғла.
Эл-юртнинг дардини, гамини есанг,
Ўзингни эзгулик йўлига чоғла!

ДҲИДИМАРКИ...

Дерларки, яхшидан бог қолар эмиш,
Ёмондан озору, дўстларига доғ.
Инсонни қадр этмай хўрлаган ҳар зот
Дўсту-падар кўнглин қиларми ҳеч чоғ?

Юртим фарзандлари марду-хушчиroy,
Юрта хиёнатдан қиладурлар ор.
Кундуз қўш бўлгуси, тунлар эса ой,
Қалблари баҳордай рангин, беғубор.

Афсус, боғларда ҳам учрар шумғия,
Қийнар богдон дилин гердайиб ўсиб,
Нақ бўғзидан олар нозик ниҳолни,
Жон-жаҳди-ла ҳаво, қўшдан тўсиб.

Табиат мевасидир одамизот ҳам,
Учрар гоҳ баландда у мансабпараст.
Баъзан амал отидан тушаолмай ҳеч,
Ниш отар яхшилик томон қасдма-қасд.

Асрасин Аллоҳ элни шундай гумроҳдан,
Хиёнаткор, айёр, шум тулкилардан.
Хушёр бўлгин фарзандим, ўзингни сақла,
Ҳазир бўл дўсту-ёрга қулқилардан!

Яхшиямки эзгулик бор бу ҳаётда,
Қўшим ёритгай йўлимни мудом.
Ёруғ ният умрга йўлдошдир ҳар дам.
Савоб иш қилсинлар борки ҳар одам!

Ворис ОРИФҲОНОВ.

КАМҚОНЛИККА
ҚАРШИ ДОРИ

Республика врачлар ма-
лакасини ошириш инсти-
тутига «Тардиферон» пре-
паратининг клиника ама-

лиётида ишлатилиши» мав-
зuida симпозиум ўтказилди.
Соғлиқни сақлаш вазири-
ли билан Франциянинг

«Пьер Фабр медикамент»
фирмаси ташкил этган бу
тадбирда Тошкент шаҳри,
мамлакат вилоятлари ҳам-
да Россия Федерациясининг
бир қанча шаҳарларидан
келган гематология, педиат-

рия ва акушер-гинекология
соҳалари мутахассислари
қатнашди.
Анжуманда камқонлик ка-
саллигини даволашда иш-
латиладиган «Тардиферон»
препарати мамлакатимизда-

ги бир қанча илмий-текши-
риш институтлари ва даво-
лаш муассасаларида синаб
кўрилгани, уни қўлланиши
юқори самара бергани
таъкидланди.

(ЎЗА МУХБИРИ).

ИНСОФСИЗ ЭЛНИ ТАЛАЙДИ

Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси
фаолиятда турли хил корхона ва ташкилотларда мулкни
талош-тороқ қилиш ва ташмачилик олдини олиш муҳим
ўрин тутди. Бошқарма яқинда шу соҳа бўйича бир қанча
текширишлар ўтказди.

лум бўлдики, у Юқоричирчиқ ту-
манидаги ҳўжаликларга терим
техникаси учун мой етказиб бе-
ришни зиммасига олган экспе-
дитор Мурод Парпиев экан. Уни-
нг ҳам «кичик тикхорати» қим-
матга тушди, Юқоричирчиқ ту-
мани солиқ инспекцияси орқа-
ли солинган 1250 сўмлик жари-
мани тўлайдиган бўлди.

Тошкент отчопари бозори
шаҳарнинг катта халқа йўлига
тўташиб кетган. Бу кунда бир
неча минг киши савдо-сотик қи-
ладиган катта бозор. Аммо хал-
қа йўли четларида ҳам митти
бозорчалар пайдо бўлганки,
уларда ҳам кўнглингиз истаган
буюмларни харид қилишнигиз
мулкни. Буни, айниқса, Тошке-
нлик машина ҳайдовчилар ях-
ши билишади. Мисол учун улар-
га тунда бензин зарур бўлиб
қолди, дейлик. Ёниги қўйиш
станциялари бевақт пайтларда
берк бўлади. Ҳайдовчи эса ма-
шинасини тўғри халқа йўлга
ҳайдайди. Чунки улар йўл чет-
ларида бир неча канистрларни
қўйиб мижоз келишини сабр-то-
қ билан кутадиган сотувчилар
борлигини биладилар-да. Бен-
зин билан қайовчилик қила-
диган шахслар эса республика
маъмурий жавобгарлик тўғриси-
да кодексда ёниги-мойлаш
материаллари билан савдо қи-
лиш ман этилганини тушу-
салар ҳам ўзларининг «кичик ти-
жорат»ларини кўн сайин авж ол-
дириб юборишяпти.

Ана, халқа йўлининг Зангиота
тумани ҳудудида ўзининг шах-
сий «ГАЗ-69» автомашинасига
ҳар бирига 200 литр бензин со-
линган бочкаларни юзлаб ол-
ган Рустам Турсунов деган йи-
гит канистрларга ёниги қўйиб
олиб, бемалол савдо қиляпти.
Албатта, арзон нарҳда эмас,
балки бир неча баравар қим-
матига ҳожаз чикармоқда. Ви-
лоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш
бошқармаси ходимлари Тошке-
н шаҳрининг Мирзо Улубек ту-
манида яшайдиган бу тижорат-

Ташмачилик
иллат

хона бензин ва мой «ариги»нинг
кулоғи. Шу сабабли ёниги қил-
ган бу ерда канистрларни тўл-
дириб олиб чиқиш кетаверди.
Корхонанинг қўриқлаш хизмати
бошлиғи Эргаш Абдурахмонов
ҳам бир эмас, уч канистрга 60
литр АН-72 маркали бензин ва
яна шунча идишга 60 литр М-8
мойини тўлдириб, ўзининг «Жи-
гули» машинасида олиб кетаёт-
ганида қўлга тушди. Текшириш
ҳўжатлари, прокуратурага юбо-
рилди. Энди асосий вазифаси —
ўзига ишониб топширилган кор-
хонани қўриқлаш ва ташмачилар-
га қарши курашишдан иборат
бўлган Э.Абдурахмонов жами
1121 сўмлик ёниги-мойлаш мах-
сулотлари қандай қилиб, шахсий
машинасининг юқоҳонасига тушиб
қолганини тергов органлари-
га тушунтириб беради.

Текшириш гуруҳи аъзоларининг кўзи йўл четига чиқариб қўйилган ёниги ортилган автомашинага тушади. Кимдир ундан икки-та канистрга мой олиб солаётган эди. Савол-жавобдан кейин маъ-

Т.МАҲКАМОВ,
Тошкент вилоят ИИБ
ҳузуридаги қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи.

ЯНА БИР ТЎП
ФАРҚ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН терма жамоа-
си Афро-Осиё кубоғи учун жа-
воб учрашуvinи ўтказди.
Маълумки ўзбек футболчилари
Тошкентда Нигерия терма
командаси билан бўлган би-
ринчи ўйинда 2:3 ҳисобида ен-
гилишган эди. Лағосда бўлган
жавоб учрашуvinи ҳам бир тўп
фарқ билан ўйинни бой бериш-
ди. Бу сарф учрашуvin тақди-
рини мезбонларнинг киритган
ягона тўпи ҳал қилди. Шундай
қилиб, Нигерия терма жамоа-
си учинчи бор Афро-Осиё ку-
боғи соҳиб бўлди.

СЎНГИ ЎЙИНЛАР

ФУТБОЛ бўйича олий таба-
қа ва биринчи гуруҳ жамоа-
лари сўнги ўйинларини ўтказиш-
моқда. Косонсийнинг «Қушон»
ва Ургенчнинг «Динамо» жа-
моалари келаси мавсум олий
табақада катнашиш ҳўқуқини
қўлга киритганиларини хабар
қилган эдик. Улар Қўқоннинг
«Темирйўли» ҳамда вилоятчи-
лисининг «Чирчиқ» жамоалари
ўйинини эгаллашади. Яқшанба
кўни биринчи табакда 1-12
ўйинлар учун бахslashанган жа-
моалар сўнги ўйинларини ўт-
казишди. «Ғазалкент» сафар-
да «Дибр» билан 1:1 ҳисобида
дуранг ўйнади. «Қушон» «Про-
гресс»га 0:2 ҳисобида ютказиб
қўйиб биринчи ўйинни Ургенч
динамочиларига бўшатиб берди.
Қолган ўйинлар натижалари
билан танишинг: «Тегир-
мончи» — «Богдо» — 4:2, «На-
саф» — «Чилонзор» — 2:2, «За-
рафшон» — «Бахт» — 1:0.

ОЛИЙ табакда кеча сўнги
ўйин бўлди. «Янгиер» — «Те-
мирйўли» учрашуvinи билан
барча каттаклар тўлди. 11 но-
ябрь кўни эса Жиззахда «Сў-
ғдиёна» «Янгиер»ни қабул қи-
лди. 2:1 ҳисобида ғолиб кел-
ди.

19 ноябрь кўни «Пахтакор»
ўйингоҳида бу йилги Қўбoқ
соҳиб аниқланади. Шу кўни
майдонга МХСК — «Навбахор»
жамоалари тушади.

ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ
БОЗОРИ ЧАҚҚОН

КАМЕРУН нафақат машҳур
ўйинчилари билан, балки, футбол-
чиларни энг кўп экспорт қилиши
билан ҳам машҳурдир. Маълум
бўлишича, ҳозирги кунда Камеру-
ннинг 300 нафарга яқин чарм
тўп усталари хорижий жамоалар-
да ўйнашмоқда.

Футболчиларнинг маҳаллий
жамоалардан кетиши айниқса,
зорий йилда кўпайди. Нконгсам-
баннинг «Игл» (бугут) футбол жа-
моасидан бирданига 6 нафар
ўйинчи хорижга йўл олди. «Бур-
ғу» эса яхши ўйин кўрсата ол-
май олий лигани тарк этидиган
бўлди. «Юньон», «Канон» э тоғнер
жамоалари ҳам бирварақайга 6
нафар ўйинчисидан маҳрум бўл-
ган.

Камеруник чарм тўп усталари-
нинг бозори «чаққонлигига сабаб
уларнинг 1990 йилда Италия-
да бўлиб ўтган жаҳон чемпион-
атида муваффақиятли катнашгани-
дир, дейишмоқда мутахассислар.
ОРЗУЛАРИ
УШАЛМАДИ

Уммон миллий олимпия жа-
моаси хиндистонлик рақиблари-
ни Олимпияда мусобақалари
давоғидаги ҳўқуқидан маҳрум
этиди. Саралаш ўйинларининг «Д»
гуруҳида тўп сураётган ушбу ик-
ки жамоа Гао штатининг Маргао

шаҳридаги Жавахарлал Неру но-
мидаги ўйингоҳда учрашди. Уйин
2:1 ҳисобида уммонликлар
фойдасига ҳал бўлди.

Маълумки, Ҳиндистон Олимпия
терма жамоасига Ўзбекистон
миллий терма жамоасининг со-
биқ мураббийси Рустам Акромов
раҳбарлик қилмоқда.

Шундай қилиб, Уммон олим-
пия терма жамоаси ўз гуруҳида
биринчи ўринни эгаллаб, келаси
йили Атлантада бўлиб ўтадиган
Олимпия мусобақаларида катна-
шиш ҳўқуқини қўлга киритди.

БУ САФАР ҲАҚАМ
АЙБЛАНМОҚДА

Уругвайда чиқадаган «Ультим
нотис» газетаси аргентиналик
машҳур футбол ҳақами Хавьер Ка-
стриллини Уругвайнинг «Насио-
наль» ва Бразилиянинг «Фламен-
го» жамоалари ўртасида бўлиб ўт-
ган учрашуvinда қўпол хатоаларга
йўл қўйганилида айблади.

Газета мухбирининг ёзишича,
Кастрилли «Фламенго» дарвоза-
бони Паул Сезарга икки марта
огоҳлангичи берган. Қоидага
биноан эса икки марта огоҳлан-
тирилган ўйинчи ўйиндан четлаш-
тирилиши керак эди. Бирок,

бразилиялик дарвозабон ўйиндан
чиқариб юборилмади.

Ушбу ўйинда «Фламенго» жа-
моаси ғолиб бўлган.ЖАМОА
МУРАББИЙСИ ҲАМ
ЧЕТДА ҚОЛГАН
ЙЎҚ

Испаниянинг «Барселона» фут-
бол жамоаси мураббийси Иохан
Крусиф беш ўйин мобайнида му-
раббийлар курсисиди эмас, бал-
ки, жарима курсисиди, тўғриро-
ғи, томошабинлар орасида ўти-
радиган бўлди. У ўйин ҳақамини
ҳақорат қилгани учун ушбу «му-
кофот»га сазовор бўлди.

Бош мураббийнинг ўйиндан
четлаштирилиши жамоа учун қим-
матга тушадиган кўринади. Чун-
ки, кўни-кеча «Барселона» мам-
лакат чемпионатида «Компосте-
ла» футбол жамоаси билан учра-
шиб 0:1 ҳисобида ютказиб қўйди.

НИЯТЛАРИ КАТТА

Германиянинг олимпия терма
жамоаси 1995 йил бўлиб ўтади-
ган Атлантадаги мусобақаларда
ҳеч бўлмаганда учинчи ўринни

эгаллаш ниятида, деди мамла-
кат спорт уюшмаси вице-пре-
зиденти Ульрих Фельхофф. Уни-
нг таъкидлашича, бу сафар гер-
маниялик олимпиядачилар ка-
мида 70 та медал олиши ке-
рак.

Атлантага Германиядан 480
нафар спортчи юборилиши кўз-
да тутилган.

КЕЙПТАУН
ШАҲРИ
ИМКОНИАТИ

Халқаро Олимпия қўмитаси
Президенти Хуан Антонио Са-
маранч Женевада Жанубий Аф-
рика Президенти Нельсон Ман-
дела билан учрашди. Бўлиб ўт-
ган суҳбатда 2004 йил ёзи
Олимпияда ўйинларини ўтказиш
учун Кейптаун шаҳрининг ном-
зодини илгари суриш масаласи
муҳокима қилинди. ХОҚ пре-
зиденти бу масалада Африка
қитъаси давлатларининг имко-
ниятлари кенглигини, бу қитъа-
да ҳали бирор марта ҳам Олим-
пияда ўйинлари ўтказилмагани-
ни таъкидлади.

(ЎЗА).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИМуассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИМухаррир
Фотхиддин
МУҲИДДИНОВМатбуотимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.• Мақолалар, эълон ва билидурлар-
даги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги
учун муаллифлар, рекламалар ва эълон
берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма
жавоб қайтарилмайди.